



**ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ  
ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МУСИҚА ВА  
МИЛЛИЙ ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Гулшаной Дадамирзаева**

ФарДу, 1-курс магистранти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8082207>

**ARTICLE INFO**

Received: 18<sup>th</sup> June 2023

Accepted: 25<sup>th</sup> June 2023

Online: 26<sup>th</sup> June 2023

**KEY WORDS**

**ABSTRACT**

*Ҳозирги замон илм-фан, техника тараққиёти талабларидан бири янгича фикрлайдиган, ижодий тафаккур ва қобилиятга эга бўлган баркамол шахсни вояга етказишдир. Ушбу ҳаракатлар замирида эса энг аввало, шахснинг фидойилиги, Ватанга ва ўз халқига муҳаббатини шакллантириш масаласи ётади. Зеро, ҳар бир инсоннинг барча ҳаракатлари у ёки бу даражадаги ижтимоий манфаатларга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин Ватанимиз тараққиёти, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, санъат ва маданият соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Бу борадаги жараёнларни амалга оширишда давлат сиёсати даражасига халқимизнинг бой маънавий мероси ва умуминсоний қадриятлари маданият фан техника ва технологияларда эришилган ютуқларни ёшларга етказиш вазифалари белгиланди.*

**Кириш.** Давлатимиз раҳбарининг “Биз барчамиз – фуқаролар ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам Ватанимиз равнақи учун, мамлакатимизда тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш учун, тарихий, маънавий ва маданий меросимизни сақлаш, бойитиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш учун бирдек масъулмиз”[1] деган фикрларини ёдда тутиш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш керакки, ўз Ватанига содиқлиги, миллий ғурури, ўз она тилига юксак ҳурмати, тарихи, маданияти, турли халқ ва миллатларнинг миллий анъаналарига ҳурмати, санъатга муҳаббати туфайли ҳар бир шахс хатти-ҳаракатида ижодий фаолликни юксалтиради, соғлом турмуш тарзини шакллантиради.

Ўзбек мусиқа маданияти ўзининг кенг кўламлилиги, жанрларга бой мусиқий анъаналари, ғоятда мазмундор тарихий аҳамиятга молик устоз-шогирд мактаблари замирида иқтидорли ва чуқур илмий салоҳиятга эга ёшлар етишиб чиқмоқда. Бугуни кунда жамиятимизда ижод аҳли учун катта имкониятлар яратилмоқда.



**Асосий қисм.** Жаҳон цивилизациясига муносиб ҳиссаларини қўшган буюк аждодларимиз Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ал-Фаробийлар яратиб кетган миллий-муסיқий, маданий-маънавий мерос бугунги ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Албатта ёш-авлодни миллий қадриятларимиз, муסיқий меросимизни асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, кенг тарғиб қилиш ҳозирги кун вазифаларидан биридир.

Муסיқа-инсоният кўнгил ҳасратларини ифодалайдиган, тафаккурига чуқур кириб борадиган санъат бўлиб, у жамики нарсаларни беихтиёр унутишга мажбур қилади. Зотан, товуш ва оҳанг қадим-қадимдан илк мулоқот воситаси ҳисобланган. Барча жонзотлар: қушлар, ҳайвонлар айнан товуш ва садолар орқали бир-бирларини тушунишган. Уларнинг овозлари тембри, баландлиги ва жаранги – қўрқув, муҳаббат ёки хавф-хатарни ифодалашга хизмат қилган. Зеро, эндигина туғилган гўдак ҳам гапиришдан аввал ҳиссиёт ва муносабатларини муайян товушлар билан изҳор қилади.

Инсоният сўзлашувни ўргангунга қадар ўз ҳиссиётларини паст ёки юқори тембрда, қисқа ёки узун чўзимларда ифодалаган[2]. Инсон ўз кечинмаларини тил ва лаблари восита турли овозлар чиқариш билан акс эттириб, мазкур садоларда унинг самимийлиги, қаҳр-ғазаби ва меҳр-муҳаббати инъикосини топган. Кейинчалик мазкур товушлар шаклланиб, муайян сўзларни ҳосил қилиб, ва ниҳоят муסיқа тилга яъни, сўзга айланиб борган. Умуман Ўрта Осиё муסיқа санъати ўзининг серқирралиги билан ажралиб туради. Айниқса унинг чуқур илдизлари қадимги даврларга етиб борадиган ўзбек халқининг бой муסיқа санъати тарихи ҳозирги кунда ҳам ўз мавқеини сақлаб, ўсиб келаётган ёшларимизнинг онгига шу каби санъатга бой тарихимизни сингдириш талаб этилади. Моддий маданият ёдгорликлари, тасвирий санъат асарлари, жумладан, девордаги расмлар, сопол ҳайкалчалар ва турли хил миниатюралар эрамизнинг VII асридаёқ икки турдаги халқ чолғулари ансамбли мавжуд бўлгани ҳақида маълумот беради. Улардан бири (дамли) ва урма зарбли чолғулардан, иккинчиси торли ва мизробли (чертма) чолғулардан иборат эди. Булардан ташқари, най, сурнай, чанг, танбур, уд ва ғижжак каби чолғуларда якканавоз ижрочилик ҳам мавжуд эканлиги маълум.

Репертуар эса халқ оҳанглари ва чолғучилар басталаган асарлардан тузилган ижрочилик халқ оғзаки ижоди ва классик адабиёт билан узвий алоқада ривожланган (муסיқани ёзиб олиш усули анча кейин пайдо бўлган). Ўрта асрларда халқ муסיқа ижодининг оғзаки анъаналари кенг тарқалган бўлиб, улар чолғу муסיқасининг ҳар хил жанрларини қамраб олган эди. Тўй-томоша, байрамлар (Наврўз, ҳосил байрами) халқ оғзаки ижодининг анъанавий интонацион (талаффуз) тузилиши билан боғлиқ мақом туркумлари сингари ранг-баранг муסיқа санъати турлари улкан маданий мерос сифатида авлоддан –авлодга ўтиб келган. Чунончи, юриш ҳамда тақлидга асосланган уйғун, “ҳарбий муסיқа” шаклланди. У ҳарбий қўриқларда, турли маросим ва тантаналарда, шунингдек сарой аъёнлари ҳузурида ижро этилган. Халқ чолғулари узоқ ўтмишда пайдо бўлганлиги барчамизга маълум.

Муסיқачиликда дастлаб урма зарбли чолғулар пайдо бўлган. Чунки, энг қадимги меҳнат қўшиқлари ишнинг ритмик тузилиши билан бевосита боғлиқ. Аста-секин шовқинли чолғулар ҳам пайдо бўлди. Ижрочилар қарсак чалиш ёрдамида ритмни



таъкидларди, бу эса шовқинли товушлар тасирини кучайтирган. Ижрочи аёлларнинг чапак зарблари ўзига хос, такрорланмас, гўзал ҳолатни вужудга келтирар эди. Кейинроқ халқ усталари томонидан қамиш ёки бамбук поясидан сурнай, хуштак, яна бироз вақт ўтгач эса най (бўйлама, кўндаланг, кўп йўлли), найсимон хуштаклар, шиқилдоқлар, чилторлар (арфа, лира) ва кифаралар ясалди. Вақт ўтиб бу чолғулар янада такомиллашиб (кўп йўлли, шунингдек замонавий кўп тешикли) найлар юзага келди. Кейинги даврларда торли-мизробли ва торли-камончали мусиқа чолғулари пайдо бўлди. Улардан сарой аъёнларининг маросимларида ҳарбий юришларида фойдаланилди. Қадимги Шарқ маданияти кучоғида ўзбек халқ чолғулари шаклланди. Улар кўп асрлик тараққиёт давомида ўзига хос хусусиятларини товуш тусини сақлаб қолди. Ўзига хос тузилиши туфайли най, сурнай, танбур, дутор, рубоб, ғижжак, қобузлар анъанавий шаклларда бизгача етиб келди. Эрамиздан аввалги III аср ўрталарида Ўрта Осиёнинг ғарбий вилоятларида Парфиёна, шарқда эса Грек-Бақтрия давлатлари ташкил топди. Эрамизнинг биринчи асрида Ўрта Осиёнинг жанубий қисмида қудратли Кушон шоҳлиги таркиб топди. Кушон сулоласи ҳокимияти остида бир қанча давлатлар бирлашди, бунинг натижасида шаҳарлар юксалди, маданият гуллаб-яшнади, янги-янги мусиқа чолғуларининг яратилишига шарт-шароит юзага келди.

Мусиқа маданияти бутун инсониятнинг шаклланиши билан боғлиқ тушунча бўлиб, инсониятнинг яшаши, унинг борлиғи билан бевосита шаклланиб, ривожланиб бораётганлигини таъкидлаш зарур. Буюк мутафаккир-алломаларимиз, донишмандларимиз Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий кабилар мусиқа инсон руҳий оламини ўзгартирилиши, ундаги ҳар қандай салбий ҳолатларни бартараф этиши, ижобий ҳолатни юзага келтирилиши мумкинлигини ўзларининг асарларида асослаб берганлар. Биргина тиббиёт асосини яратиб берган Абу Али Ибн Сино каби буюк табибнинг ҳам ўз беморларини мусиқа орқали даволаганларини барчамиз ўқиганмиз ва биламиз.

Ўзбек мусиқа маданияти қадимий ва бой меросга эга. Унинг мазмунида халқимизнинг миллий руҳияти, олий инсоний фазилатлари, бадиий маънавияти ўз ифодасини топади. Ёшлар тафаккурида мусиқа маданиятини шакллантиришга катта эътибор бериш керак. Мусиқа санъати энг қадимги даврлардан бошлаб Марказий Осиё ҳудудларида яшаб келган халқлар маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланган. Унинг йўна-лишлари, жанрлари, шакллари ўзбек халқининг аجدодлари бўлмиш ҳозирги Ўрта Осиё, Афғонистон, Покистон, Эрон ва Шарқий Туркистон ҳудудида яшаган қадимги сўғдийлар, хоразмийлар, парфияликлар, бақтрияликлар ижодий фаолияти ва тафаккурининг маҳсули сифатида асрлар давомида шаклланган. Шунингдек, бу санъат турининг ривожланишига Хитойнинг шимолий чега-раларидан то шарқий Европагача чўзилган улкан минтақанинг дашт, ўрмон-дашт, тоғлик ўлкаларида яшаган (скиф, савромат-сармат, сак-массагет) халқларнинг таъсири ҳам ниҳоятда катта бўлган. Мовароуннаҳр, Эрон, Хуросонда ягона тангрига эътиқод қилишга асосланган зардуштийлик дини қабул қилингач, шу ҳудудлардаги шаҳар ва қишлоқларда Ахура Маздага сиғиниш меҳроблари жойлашган махсус ибодатхона-оташкадалар қурилиши авж олиб кетди. Оташкадалар, одатда, шаҳарнинг четидаги кенг май-донларда қурилиб



жойлашган манзилига қараб ўнтадан юзтагача хужра, хона, толор (зал), қироатхона, китобхона, оҳангхона (махсус созандалар жўрлигида яшт (мадҳия) ларни куйлашни ўргатадиган гўша)лардан ташкил топган. Қироатхоналарда “Авесто”нинг “Виспарад” қисмини махсус оҳанг ва усуллар орқали ўқиш ва қироат қилиш ўргатилса, оҳангхоналарда “Гоҳ”ларни жамоавий бўлиб қўшиқ (хор) тарзида куйлаш ўргатилган. Ўз навбатида қурбонлик маросимларида Авесто таркибидаги қўшиқлар: Ахура Mazda, Баҳман, Хуршедчехр, Шаҳриёвар, Сипон-дормаз, Хўрдод, Амурдод, Митра, Суруш, Ардвисура Анахита, Оша, Чиста каби илоҳлар шаънига алқовлар, қасидалар тарзида куйланган. Зардуштийларнинг мадраса типидagi ўқув даргоҳларида узлуксиз таълим тизи-мининг асосий бўғини ҳисобланмиш бошланғич таълим жараёнининг якуни сифа-тида 7 санъат тури: ўқиш, ёзувни ўрганиш, ҳисоблай олиш, камондан ўқ отиш, чавандозлик, диний аҳкомларни ўрганиш ва бажариш, Қироат ва қўшиқ ижро этишни мукамал билиш ва эгаллаш эътироф этилган. “Авесто” ва пандномалар матни харбед ва дастурлар томонидан оғзаки тарзда ёддан баён қилинган.

Матнларни баён қилиш шакли сифатида ҳикоят, ривоят, насиҳат, ўғит, қўшиқлардан фойдаланилган. Ўрганилган янги билимларни мустаҳкамлашга оид топшириқлар берилган. Устоз-муаллимлар томонидан ҳар бир сабоқ жараёнида, оғзаки баён тарзида “Авесто” наскларининг “Патмонлари, бандлари, зандлари, сўровлари, жавоблари, икки дафъа куйланиши, яхши ўқилмоғи, ёд айтилган”[3]. Бадиий маданиятнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, у юксак эстетик қадриятлар яратишга йўналтирилган ижодий фаолият сифатида шахс ҳамда ижтимоий ҳаётга дахлдор воқеа-ҳодисаларни конкрет-ҳиссий образларда акс эттиради. Кенг маънода у бадиий ижод жараёни, бадиий асарларни ҳиссий қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш ва ижтимоий тақсимлаш ҳамда бадиий фаолият ривожланиши, неъматларни ўзлаштиришни бошқариш кабиларни назарда тутди. Шунинг учун бадиий маданият ўзига хос маънавий тизим сифатида бадиий адабиёт, мусиқа, театр, архитектура, ҳайкалтарошлик, рақс, кино, халқ амалий санъати, бадиий ҳаваскорлик, халқ оғзаки ижодиёти, адабий танқидчилик, бадиий таълим, шунингдек, тарихан шаклланган бадиий-эстетик идрок, идеал, дид ва тушунчалар, бадиий қадриятларни тақсимлаш ва тарқатишнинг муайян воситаларини ўз ичига олади.

Маълумки, инсоннинг табиати ва унинг воқеликка муносабати бадиий маданиятда ҳам, фалсафада ҳам ўзига хос ўрин тутди. Фалсафа инсон маънавий оламининг борлиқ билан ўзаро алоқасини ўрганишга устивор аҳамият беради. Унда «олам моҳиятини ўрганиш, инсон ва унинг билимлари, амалий ҳаракатлари, ҳаётдаги мақсадлари ва ўрни ҳақида гап боради. Фалсафа борлиқ муаммоларининг илмий ечими ва қай тарзда ўртага қўйилишини, жамият ва табиат оламини, инсонларнинг ахлоқий-маънавий ва эстетик муносабатларини ўрганувчи илмдир»[4]. Маданият эса инсон ижоди билан бирга яшайди, унинг фаолиятига инсонлашган руҳ сифатида кириб боради. Шунингдек, санъат предмети ёлғиз инсон муаммосининг ўзи билан чекланмайди, чексиз оламнинг ҳар қандай ҳодисаси унинг тасвир объекти бўлиши мумкин. Бироқ масалаларнинг кенг қамровли, моҳиятан турли-туманлиги, шунингдек, фалсафа билан санъатнинг манфаатлари чексиз бўлишига қарамасдан, инсон, унинг тақдири, ҳаётдаги ўрни, борлиқнинг инсоний табиати фалсафий билан бадиий



изланишлар асосида туради. Шунинг учун ёшларга мусиқа, санъатнинг бошқа турларини ўргатишда фалсафий нуқтаи назардан қарашни ҳам ўргатиш муҳим.

**Хулоса.** Хулоса қилганда ўқувчининг ҳис-туйғу ва кечинмаларини мусиқа, санъат ва миллий чолғу ижроси, уларнинг даражаси ёки қайси кўринишларидан кенг фойдаланиш, реал мусиқий воситалардан тўғри фойдаланиш керак. Ҳозирги кунга келиб кўплаб мусиқа ва маданият мактаблари ташкил этилди. Уларда иқтидорли ёшларнинг таълим олиши учун барча шароитлар яратилди. Президентимизнинг ташаббуслари билан ушбу тадбирларнинг давоми сифатида мусиқа маданиятини янада такомиллаштириш, ривожлантириш, юксалтириш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда, маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларни эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди[5]. Таъкидлаш керакки ушбу ҳаракатларни бажаришда биринчи навбатда ижод аҳлини, ижодкор зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётий тажрибалари, ижодий фаолиятдан ёшларнинг маънавий савиясини юксалтиришда, уларнинг қалбида истеъдод, иқтидор, ўз талантини яратиш олишда ва рўёбга чиқаришда унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда умум таълим, ўрта махсус ва олий таълимда таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар учун барча шароитлар яратиш, уларни мусиқа билан алоҳида шуғулланишлари учун тўғараклар, ўқув-амалиёт дарсларини янада кўпайтириш, ўқув хоналарини замонавий ва миллий мусиқа асбоблари ҳамда керакли адабиётлар билан таъминлаш, устоз-шоғирд ишлари орқали ёшларда мусиқага бўлган меҳрни уйғотиш, уларда мусиқа маданиятини шакллантиришга эътибор қаратиш, ўқитувчи-педагоглримиз замонавий ахборот технологларидан унумли фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

### References:

1. Ш.М.Мирзиёев Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 37 бет.
2. Э.Джалилов, М.Тошпўлатов Мусиқа семантикаси ва унинг инсон таффақурига таъсири хусусида. “Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда маданият ва санъатнинг ўрни” мавзусидаги республика илмий-назарий анжуман материаллари тўплами. Бухоро, 2017-йил. 13 бет.
3. “Авесто”. Тарихий-адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 2001.
4. Шермухамедов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. – Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – Б.24.
5. Ш.М.Мирзиёев Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд 2018 йил, 195-бет.
6. Ulugbek Rahmonov Karimovich, Najmetdinova Mavluda Mamasodikovna, Ergashev Alijon Abdullaevich //The Role and Importance of Music Clubs in The Leisure of Young People// Journal of Pedagogical Inventions and Practices. 22-11-2021. 47-49 pages.
7. Imyamin Kirgizov, Kirgizov Iqboljon Imyaminovich, Ahmadjon Nurmammedjanov, Sobirov Bahodirjon Sotvoldievich, Najmetdinova Mavludakhon Mamasodikovna, Ataboeva



Shoxidakhon Juraevna //The Pleasure of Singing, Listening and Understanding Navoi// Annals of the Romanian Society for Cell Biology., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 3, 2021, Pages. 2410-2413.

8. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна //ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРИ// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 10/2. October 2022. 584-588 pages.

9. Sultonali Mannopov, Mavluda Najmetdinova, Shokhida Ataboeva, Iroda Nazarova, Jamoldin Mo'ydinov //Analysis of Research on Aesthetic Features of Uzbek Folk Music// Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI). Volume 12, Issue 10, October 2021. 3528-3533 pages.

10. М.Нажметдинова, Жўрабоева Хакимахон //МАҚОМ САНЪАТИ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 3(2), Feb., 2023. 813-817 pages.

11. Najmetdinova Mavluda Mamasodiqovna //SPECIFIC FEATURES OF PUBLIC-CULTURAL EVENTS// International Scientific Journal "Science and Innovation". Series 1. Volume 1. Issue 1. 892-902 pages.

12. Mavludaxon Najmetdinova //YOSHLARNING ESTETIK TARBIYASINI SHAKLLANTIRISHDA - AJDODLAR MEROSINING TUTGAN O'RNI// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. VOLUME 1. ISSUE 6. 990-993 pages.

13. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна //ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. VOLUME 1. ISSUE 6. 282-287 pages.

14. КАМБАРОВ АБДУМУТАЛ АХАДЖОНОВИЧ, НАЖМЕТДИНОВА МАВЛУДА МАМАСОДИКОВНА //НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ// УСЛОВИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ. Материалы международной научно-практической конференции. 26 апреля 2019 года. 148-151 стр.

15. Imyamin Kirgizov, Iqbol Kirgizov, Mavluda Najmetdinova, & Shohida Atabayeva. (2022). THE GENESIS OF THE DEVELOPMENT OF MUSIC CULTURE. Archive of Conferences, 57-60.

16. Камбаров А.А. //Религиозные ценности – прочная основа в формировании гармоничной личности// Вестник Северо-Восточного федерального университета им. М.К.Аммосова. Серия «Педагогика. Психология. Философия». 2022;(3):78-84.

17. Kambarov Abdumutal Ahhadjonovich //ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS// Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2: Iss. 9, Article 27. 158-165

18. Imyamin Qirg'izov //O'ZBEK MUSIQA SAN'ATI RIVOJINING ASOSIY OMILLARI// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 10/2. October 2022. 331-336 pages.

19. Турсунова Лайло Эргашевна //ЁШЛАР МУСИҚА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ//



EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE. Volume 3. Issue 5,  
Part 2. May 2023. 23-34

20. Tursunova Laylo Ergashevna, Xoliqova Sevara Baxodirovna //MAKTABDA MUSIQA  
FANINI O'QITISHDA YANGICHA YONDASHUV// SCIENCE AND INNOVATION  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1. ISSUE 8. 2022 782-785 pages.